

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОРҚАЛИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

Нилуфар Иркаева

Ўзбекистон Журналистика ва Оммавий коммуникациялар

Университети 2 босқич мустақил тадқиқотчиси

E-mail: [lilyprincess92@mail.ru](mailto:lilyprincess92@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада чет тилларини ўрганиш жараёнида телевидениенинг самарадорлиги кўриб чиқилади. Бу борада дунё олимларининг тажрибаси таҳлил қилинади. Шунингдек, телевидение орқали тил ўрганишда аҳамият қаратиш лозим бўлган жиҳатлар ҳақида ҳам сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** телевидение, таълим, чет тиллари, самарадорлик, томошабин.

Ҳозирги вақтда хорижий тилларни ўрганиш учун алоҳида вақт ва манзил шарт эмас. Интернет, ижтимоий тармоқларда пуллик ва бепул юқори сифатли видео ва мобил контент ҳаддан ортиқ кўп. Масалани ўрганиш жараёнида табиий савол туғилади: ана шундай бир вақтда чет тилларини телевидение орқали ўрганишни тарғиб қилиш ва афзалликлари ҳақида сўз юритиш қанчалик ўринли ва долзарб? Телевидение ОАВ сифатида биринчи марта эфирга узатилишидан олдин ҳам шархловчилар унинг таълимга таъсири ҳақида икки хил, салбий ва ижобий муносабатни билдиришган. Бир томондан телевизор дунёга ойна бўлиши мумкин деган фаразларни таҳмин қилишган бўлса, иккинчи тарафдан, у самарали ва барқарор илм олишдан чалғишига сабаб бўлиш эҳтимоли мавжуд мазмунидаги қўрқувларни айтишган. Бу мунозара узоқ йиллар давом этиб, тадқиқотчилар бу йўналишда етарлича илмий тажрибаларни амалга оширишган.

Медиа назариясини ўргангандан канадалик олим Маршал Мак-Лоахан фикрига кўра, бола мактабга боришдан олдин камида беш йил телевидениедан таълим олади(2). Оммавий ахборот воситалари (ОАВ), айниқса, телевидениенинг энг муҳим функцияларидан бири – маданийлаштириш жараёнига ёрдам беришдир. Жамиятда асрлар давомида ўрнатилган меъёрлар, сақланиб келинаётган қадриятлар, бунёдкор ғоялар, маданий мерос намуналари ва ҳоказоларни болалар аксар ҳолларда ота-оналар ёки ўқитувчилардан эмас, балки телевидение орқали ўрганади.

Томошабинлар кунига ўрта хисобда 3-4 соатдан ортиқ ёки ҳаётининг 9-11 йилини телекўрсатувлар кўришга сарф этади, дейди хорижлик мутахассислар.(3,3). Кўпгина давлатларнинг муваффақиятли тажрибаси ўлароқ, самарадорлик ва натижа кўрсаткичлари бўйича телевидение таълим йўналишида бошқа оммавий ахборот воситалари орасида нисбатан муҳим аҳамият касб этиши ҳам ўз илмий исботини топди. Ахборот, фоя, кўникма ва муносабатларни етказишида ойнаи жаҳоннинг муҳимлиги тадқиқотлар томонидан тасдиқланди(4,1-3). Покистоннинг Гужрат университети тадқиқотчиси Фахар Навид ҳам бу борадаги изланишларидан келиб чиқиб, телевидение таълим бўйича қўйидаги мақсадларга ёрдам беришини қайд этган:

1. Таълим сифатини ошириш
2. Оғзаки ва тинглаб тушуниш бўйича тил кўникмаларини ривожлантириш
3. Ўқитувчиларга қарамликни камайтириш
4. Ўрганиш жараёнида вақт ва маконнинг қулайлигини таъминлаш

Чет тилни яхши ўзлаштириш учун ўқув материаллардан фойдаланишнинг ўзи камлик қиласи. Бунинг учун сўз бойлигини янада ошириш, тўғри талафуз қилиш, оғзаки нутқни яхшилаш ва дунёқарашни кенгайтириш имконини берадиган жонли мулоқот воситасидан қўпроқ фойдаланиш зарур. Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, ўрганилаётган тилда намойиш этиладиган кўрсатувларни томоша қилиш маҳоратли таржимон учун ҳам, тилни энди ўрганаётганлар учун ҳам бирдек фойдали(1,88). Тилни бундай усул орқали ўрганиш жараёнида инсон мияси янги товушларни таниб олиш ва уларнинг маъносини тушуниб, эслаб қолиш учун машқ қиласи. Табиийки, бу ҳолат қанча кўп такрорланса, янги билим шунчалик тез ўзлаштирилади. Бироқ, шу ўринда таъкидлаш лозим, тадқиқотчилар, телевизор орқали тил ўрганишнинг самарасини инкор этмаган ҳолда, бу анъанавий усуслардан кўра, қўпроқ вақт талаб этишини айтишмоқда. 2019 йилда олимлар Туркияда ўтказилган тажриба натижасини эълон қилишди. Косоволик бир гуруҳ шахслар 1-2 йил давомида мунтазам равишда турк тилидаги субтитрли сериалларни томоша қилишган. Уларнинг ҳеч бири турк тили дарсида қатнашмаган, бироқ гуруҳ вакиллари ўрта даражадаги тинглаб тушуниш ва ўқиши тестидан ўта олишган. Умуман ўқишини ёқтирмайдиган мазкур жамоа аъзолари, нисбатан узок муддат эвазига бўлса-да, кўпчилик инсонларнинг соатлаб атайлаб машқ қилиш орқали эришишлари мумкин бўлган натижани осон ва ўзлари учун қизиқ бўлган тарзда қўлга киритишган(6). Шунинг учун, мутахассислар чет тилини ўрганишда назарий ва амалий билимларни бир вақтда олиб бориш самарадорлигини алоҳида таъкидлашади. Бу фикрга олимлар қўйидагича изоҳ беришган: Тил ўрганиш моҳир теннисчи бўлишга ўхшайди. Теннис ўйин қоидаларини ўрганишни талаб

қиласи, лекин ҳақиқатдан ўйнаш учун сиз мушакларда турли хил ҳаракатлар билан рефлексларни ривожлантиришингиз керак бўлади. Янги тилни ўзлаштириш жараёнида ўйин қоидалари бу – грамматика бўлса-да, ўрганувчининг қобиляти ундаги гапириш, тинглаш, ўқиш ва ёзиш маҳоратига қараб белгиланади.

Телевидение орқали чет тилларидаги кўрсатувларни томоша қилиш эса тилга оид кўплаб кўнималарни, жумладан тинглаб тушуниш, сўз бойлигини ривожлантириш ва ҳатто мулоқот малакасини яхшилашга ёрдам беради. Масалан, хорижий тилдаги янгиликлар дастури ёки кўнгилочар кўрсатувни кўрганда, томошабин контекстдаги сўз ҳамда ибораларни эшигади. Визуал тасвиirlар туфайли кузатувчи, нотаниш луғат ва ибораларни тушуниш, эслаб қолишга ёрдам берадиган тайёр “шпаргалка”га эга бўлади. Шу орқали, тил ўрганувчининг сўз бойлиги кенгайиб, янги тилда тинглаб тушуниш ва сўзлашиш қобиляти ўсиб боради.

Телевизордан тил ўрганишда кутилган самарага эришиш учун айрим жиҳатларга эътибор қаратиш лозимдир. Изланувчилар, ойнаи жаҳон орқали тил ўрганишнинг 5 та илмий усули мавжуд эканлигини айтишади(7). Хусусан, “Оғзаки ўрганиш ва оғзаки ҳатти-ҳаракатлар журнали”(Journal of Verbal Learning and Verbal Behavior)да чоп этилган илмий мақолада “танаффус билан такрорлаш” деб номланган машхур техника ҳақида сўз боради. Бу усулга кўра, телекўрсатувларда келтирилган янги сўз ёки иборани маълум муддат оралиғида мунтазам аммо интервал билан қайта-қайта кўриб, такрорлаш тавсия этилади. Мисол учун, томошабин ўзига нотаниш сўзни эшитиб қолгач, унинг маъносини изоҳли луғатдан қидириб топади ва мазкур иборани ҳамда унинг таржимасини бирор қофозга ёзиб, кўзга кўринадиган жойга, уй ёки хонадаги шкаф, музлатгичга ёпиштириб кўяди. Шундан сўнг, тил ўрганувчи хафта давомида такрорлаб туради. Тадқиқотлар натижасига кўра, мазкур метод, бир кунда юзта сўз ёдлашга қараганда самаралироқ, яъни юқоридаги жараён орқали ўзлаштирилган билимлар нисбатан узоқ вақт хотирада сақланиб қолади.

Калифорния университети олимлари томонидан ўрганилган тадқиқотлар эса, телевизор орқали тил ўрганишда иккинчи муҳим омилга эътибор қаратиш аҳамиятли эканлигини кўрсатди. Бунда мутахассислар, хорижий тиллардаги телематериалларни кечки ёки туш вақтидаги уйқудан олдин томоша қилиш мақсадга мувофиқ дея таъкидлашади. Ушбу изланиш натижалари шуни англатадики, қисқа муддатли бўлса-да уйқу, инсон хотирасини тозалашга ва янги маълумотлар учун жой очишга ёрдам беради. Мазкур фаразларга кўра, ухлашдан олдин чет тилидаги кўрсатувларни кўришни одат қилган тил ўрганувчи янада самарали натижага эришади.

Мазкур жараёнда аҳамият қартиш лозим бўлган учинчи усул бу - таглавча яъни субтитр билан бойитилган кўрсатувларни томоша қилишдир. Бунда тил ўрганаётган киши ўз билим даражасидан келиб чиқкан ҳолда теледастур, шоуларни танлаши лозим бўлади. Олимлар, тилни яхши биладиганлар ёки ўрта даражадан юқори қўнималарга эга бўлганларга иқтисодиёт ва сиёsat оламидаги воқеалар ҳақида батафсил маълумотларни ўз ичига олган янгиликларни томоша қилишни маслаҳат берадилар. Шу билан бирга, тез ва жаргон ёрдамида кўп гапириладиган қизиқарли шоулар, хусусан, реалитий шоуларни кузатиб бориш ҳам фойдалидир, дейди мутахассислар.

Кембридж университетининг “Studies in Second Language Acquisition” журналида чоп этилган илмий мақолада қайд этилишича, таълим берувчи дастурларни мақсадли равища томоша қилганда натижага тезроқ эришилади. Масалан, Сиз тарихга қизиқсангиз, ўрганмоқчи бўлган тилингизда айнан мозий, ўтмиш ҳақида ҳикоя қилувчи кўрсатувларни кузатиб бориш одатий дарс машғулотларига қараганда Сиз учун қизиқарли ва фойдали бўлиши амалий жиҳатдан тасдифини топган. Бу усул билан ўзунчаки ойнаи жаҳон қаршисида туриб, ҳаттоқи ўзингиз пайқамаган ҳолда тил бўйича тинглаб тушуниш ва мулоқот қўнимасини ривожлантириш имконига эга бўласиз.

Жоржтаун университетининг Тиббиёт маркази ва Иллинойс университети тадқиқотчи мутахассислари томонидан ўтказилган кичик бир тажриба ҳам тилни пухта ўзлаштириш жараёнида телевизорнинг аҳамияти катта эканлигини исботлади. Анъанавий услуб ва одатий дарс машғулотларидан ташқари телекўрсатувларни ҳам кўриб борадиган икки гуруҳ тил ўрганувчилар ўртасида сўровнома ташкил этилди. Натижада амалий жиҳатдан иккинчи гуруҳ вакилларининг билим даражаси юқори эканлиги маълум бўлди. Кундалик юмушлар, спорт машғулотлари билан банд бўла туриб ҳам телевизор орқали хорижий тилдаги шоу, дастурлар ва ҳаттоқи, мусиқа тинглаш ҳам нотаниш билимларни эгаллашда яхши ёрдам беради. Халқаро тажрибада таълим йўналишидаги телекўрсатувлар орасида айнан хорижий тилларни оммалаштиришни тарғиб қилиш ва ўргатишни мақсад қилган лойиҳалар ўзининг томошабинбоплиги билан ажralиб туради. Ҳозирги вақтда рейтинги юқори хориж телеканалларда биргина инглиз тилини ўргатувчи телемахсулотлар турли форматда эфирга узатилиб келинади.

Таъкидлаш лозим, сўнгти вақтларда миллий телеканалларда ҳам чет тилларни ўргатишни мақсад қилган янгидан-янги дастурлар яратилмоқда, уларнинг сифат даражаси ошмоқда. Айниқса, ЎзМТРК тизимида “Foreign languages” телеканалининг ишга тушиши йўналишда янги даврни бошлаб берди. 2021 йилнинг декабрь ойидан эфирга узатила бошланган мазкур телеканал 6 та

хорижий тилларни қамраб олган бўлиб, унда рус, инглиз, француз, немис, турк ва корейс тилларида мунтазам теледастурлар намойиш этиб келинади. Кўрсатувлар махсус тил блогларига бўлинган ҳолда маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокида анъанавий дарс, сухбат, таҳлил шаклда 2 соатдан эфирга берилади. Шунингдек, илмий-оммабоп, хужжатли фильмлар, мултфильмлар ва жонли эфирлар ҳам телеканал мундарижасидан ўрин олган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, миллий телерадиокомпания тизимидағи мазкур янгиликнинг ўзиёқ “телевизор - бу вақтни бехуда сарфлаш” каби мавжуд фараз нотўғри эканлигини исботлайди. Зангари экран нафақат ҳордик чиқариш, ахборотларни етказиш воситаси балки замонавий билимларни тақдим этувчи, тилларни ўзлаштириш жараёнида ёрдамчи манба вазифасини ҳам бажара олади. Бунда факат томошабин ўзига керакли йўналиш ва форматдаги телелойихаларни танлашда синчков ҳамда эътиборли бўлиши талаб этилади. Қизиқиш, феъл-атвордан келиб чиқсан ҳолда саралangan телекўрсатув чет тилларини ўрганиш вақтида эшитиш, тинглаб тушуниш қобилятларини ривожлантиради, адабиётларда кўрсатилмаган маҳаллий жаргон сўзлар, бирикма ва атамаларни таржимаси, қўлланилиши ҳақида маълумот беради ҳамда қўзланган натижага нисбатан тезроқ олиб чиқади. Кўрсатувни субтитр орқали томоша қилиш эса янада самарадорликка эришишга сабаб болади. Контекст ва сўзларни бир вақтда визуал кузатиб бориш янги билимларни хотирада узоқ сақлаб қолишга кўмаклашади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, телевидение, инсоннинг ҳиссий туйғулари ва онг остига таъсир кўлами жиҳатидан бошқа оммавий ахборот воситаларига қараганда ўзига хос ижтимоий функциялари билан ажаралиб туради. Шуни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, аудиовизуал журналистика чет тилини ўқитишида ҳам катта имкониятларига эга. ЮНЕСКО тақдим этган маълумотларга кўра, одам эшитганда ахборотнинг 15%ини, кўрганида 25%ини, кўриб, эшитганда эса янгиликнинг 65%ини эслаб қолади. Шунинг учун ҳам телевидение воситаларидан фойдаланиш чет тилларини ўрганиш жараёнини янада жонли, ишонарли ва завқли қиласи. Зотан, телевединие нутқ қўнималарини шакллантиришга ва мулоқот қобилятларини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан саналади. Ушбу аудиовизуал восита тинглаб тушунишни ўргатишнинг энг самарали воситаларидан биридир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ: (REFERENCES)

1. Қосимова Н., Замонавий тележурналистикининг тараққиёт тенденциялари: маҳорат, тажриба, ихтисослашув мавзуидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент, 2015.– № 8. –1486.
2. Anderson, J.A. “Television Literacy and the critical viewer”, 1983. (In J. Bryant & D.R.Anderson, (Eds). Children’s understanding of television: research on Children’s attention and comprehension. New York: Academic Press.)
3. Blinkx Survey of TV and Online Video Habits Reveals Surprising User Behavior». 2008. 28 Febr.).
4. Fakhar Naveed, “Role of television in the field of education”, –Pakistan, 2019
5. Ulker Mehmet, “The approach of learning a foreign language by watching Tv series”, Turkey,2019
6. <https://lindiebotes.com/2021/10/14/is-it-possible-to-learn-a-new-language-through-watching-tv/>
7. fluentu.com